



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**БҮЙРУҚ**

2019 йил “8” Апрель № 01-277

Тошкент ш.

Профессор-ўқитувчилар “Scopus” ва “Web of science”  
базаларига кирувчи импакт-факторли хорижий  
журналларда мақолалар чоп этгани учун моддий  
рағбатлантириш тўғрисида

Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва ходимлари томонидан етакчи хорижий илмий журналларда илмий мақолалар чоп этилишини қўллаб-куватлаш орқали улар ўз илмий тадқиқот ишлари натижалари бўйича “Scopus” ва “Web of science” халқаро ахборот базаларига кирувчи юқори импакт-факторли хорижий илмий журналларда илмий мақолалар нашр қилишларини янада жадаллаштириш, институт Кенгашининг 2019 йил 9 апрелдаги йиғилишининг илмий салоҳиятни кўтариш борасидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва ходимлари “Scopus” ва “Web of science” халқаро ахборот базаларига кирувчи юқори импакт-факторли хорижий илмий журналларда илмий мақолалар чоп этишларидан келиб чиқиб, уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Тартиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича ироректор Н.Абдуллаев, Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимни бошлиғи Д.Абдуллаевага:

2.1. “Scopus” ва “Web of science” халқаро ахборот базаларига кирувчи юқори импакт-факторли хорижий илмий журналларда илмий мақолалар чоп этган институт асосий штатида фаолият юритиётган профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва ходимлар мазкур йўналишда илмий мақолалар чоп этишлари мониторинги қилинсин ва амалга оширилган ишлар натижаси бўйича рағбатлантириш учун тақдимнома киритисин.

2.2. Йилнинг ҳар чораги якунида институт асосий штатида фаолият юритиётган профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва ходимлар мазкур йўналишда илмий мақолалар чоп этишлари мониторинги қилинсин ва амалга оширилган ишлар натижаси бўйича рағбатлантириш учун тақдимнома киритисин.

3. Ишлар бошқарувчиси Ш.М.Мирзиётов; Молия-режа бўлимни бошлиғи С.Тоштурдиев, Бош ҳисобчи в.б. Г.Рахимовага:

Моддий рағбатлантириш институтнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилсин.

**4. Факультетлар деканлари (Қ.Омонов, С.Хошимова, Ш.Усмонова, Ч.Хусанов, З.Қодиров)га:**

Институтнинг рейтингини ошириш бўйича амалга ошириладиган ишлар, шунингдек, “Scopus” ва “Web of science” халқаро ахборот базаларига кирувчи юқори импакт-факторли хорижий илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш қоидалари ва мазкур рағбатлантириш тартиби факультетларда профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар иштирокида кенг муҳокама қилинсин, тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга оширилсин, шунингдек, уни бажариш бўйича ҳар бир кафедраларда режа ишлаб чиқилсин ва факультет кенгашида тасдиқлансин.

**5. Девонхона мудири (Ш.Якубжанова)га:**

Мазкур буйруқ нусхалари ўрнатилган тартибда институт проректорлари ва факультетлар деканларига ижро учун етказилсин.

**6. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдирман.**

Ректор



А.Маннов